XXVII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

# ДАВР ТАЛАБЛАРИГА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛАЙЛИК

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИНИНГ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» РЕДАКЦИЯЛАРИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

«Партия йиғилишлари, конференциялари ва съездлари ишчанлик, принципиаллик, партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари ишига баҳо беришга ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан ёндашиш вазиятида ўтиши лозим. Ҳисобот ва сайловлар партия турмушининг ленинча нормаларини янада мустаҳкамлашга, ички партиявий демократияни, юқоридан ва қуйидан танқидни ривожлантиришга, коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини ўстиришга, уларнинг ўз ташкилотларидаги ва умуман партиядаги ишлар учун масъулиятини оширишга кўмаклашиши муҳимдир».

(КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қароридан).

## Ҳаёт имтиҳонидан ўтди

**А. М. СТРАЖКОВ,**
**«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси партия комитетининг секретари**

— Ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича ўтказилган кенгашдаги докладида айтилган қуйидаги сўзлар эсда яхши сақланиб қолди: «Талабчанлик ва яна талабчанлик — вужудга келган вазият биз коммунистларнинг олдимизга қўяётган энг муҳим вазифа ана шундан иборат. Ҳаёт имтиҳони — энг шафқатсиз ва муросасиз имтиҳондир. Ҳозирги пайтда партия ва барча кадрлар ана шу имтиҳондан ўтмоқда».

Коллективимизнинг иқтисодий эксперимент шароитларида икки йил ишлаши партия комитети, цех партия ташкилотлари ва бирлашма раҳбарлигида ўз фаолиятининг услуб ва усулларини тубдан қайта қуришни талаб этди. Натижаларнинг барқарор бўлишига қандай эришиш мумкинлиги ҳақидаги масала ҳаммани ҳаяжонлантиради.

Раҳбарларнинг бир қисми, айниқса, ўрта звено раҳбарлари ишнинг аҳволи ҳақида етарли даражада қайғурмасликлари ташвишлантирмай қўймади. Бунинг устига кўпгина раҳбарлар жамоат ишида активликлари билан ажралиб турмасликлари, айримлари ҳатто ўзларини бу ишдан четга олишлари каби фактлар кўзга ташланди. Партия комитетига бундай аҳволни бартараф этишга тўғри келди.

Кадрларнинг катта резерви муаммоси ҳали ҳам кишини ташвишлантиради. Айтайлик, эртага икки цех бошлиғини алмаштириш зарур бўлиб қолса, уни амалга ошириш жуда қийин бўлади. Чунки кадрлар етишмаяпти. Ҳозирги вақтда биз кадрлар ўқувининг янада аниқ системасини ишлаб чиқишни назарда тутмоқдамиз. Тез-тез стажировкадан фойдаланилади, жамоат топшириқлари кўпроқ берилади. Бироқ вақт кутиб турмайди. Шунинг учун бу муҳим ишни тезлаштириш ва уни мақсадга мувофиқ йўналишда ҳар томонлама ўйлаб, яқин ва узоқ истиқболни ҳисобга олган ҳолда олиб бориш керак.

Менимча, область партия комитети айрим ҳолларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда уларнинг анкета маълумотлари билан қизиқади. Ваҳоланки анкетада ҳар бир инсон ва унга хос фазилатлар тўла кўринмайди-ку. Айрим вақтларда иш шунгача бориб етадики, ишлаб чиқаришда бирор кун ишламаган киши партия ташкилотларида масъулиятли вазифаларга ва лавозимларга кўтарилади. Нима учун шундай қилинади?

Партия комитети аппаратларида ходимларни бевосита ишлаб чиқаришга ўтказишни тез-тез практика қилиб туриш керак деб ўйлайман.

Область партия комитетининг барча бўлимлари ҳам жойларда амалий ёрдам кўрсатаётгани йўқ. Масалан, фан ва ўқув юртлари бўлими жойида қандайдир бирор муаммони ҳал қилиш билан қатъий шуғулланганини эслаб бўлмайди. Бошқа бўлимлар ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин.

Мен цехдаги масъулиятини, ҳар бир бригада, ҳар бир участка, цех ходимларининг хўжалик фаолиятидан манфаатларини оширишга лозим даражада эътибор беришини истар эдим.

Биз цехдаги мавжуд асбоб-ускуналарни — турли хил станоклар, конвейерлар, кранлар, синаш стендларини ремонт қиламиз. Кўпроқ станок ёки кран тўла ишдан чиқишини кутиб ўтирмасдан профилактик ремонт қилишга интиламиз. Лекин асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиш ҳоллари ҳамон, афсуски, бўлиб туради. Бизнинг бригадамизда бригадир Г. Ф. Романцев ва мен ўзимизнинг маҳорат, тажрибамизни ёш ишчиларга ўргатишга ҳаракат қиламиз. Мен мураббий сифатида оталиғимдаги Анатолий Фалалеев ва Николай Сдендиклар фақат ўзларининг касб маҳоратларини тўла ўрганиб олишлари ҳақидагина эмас, шунингдек улар цехдаги барча асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий эгалари эканликларини тўла тушунишлари ҳақида ғамхўрлик қиламан.

Ишлаб чиқаришнинг хўжайини эканликни ҳис қилишни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман. Мен ўз фаолиятимда шунга интиламан. Бизнинг цехимизда ҳамма меҳнатнинг бригада усули асосида ишламоқда. Бу ҳар бир бригадада бир-бирининг ўрнида ишлаш ривожланмоқда, демакдир. Ҳозирги вақтда бусиз бригада бригада эмас.

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайини бўлиш ҳиссининг етишмаётганлиги кўпгина бригадаларда кўриниб турипти. Демак, мураббийлар етарлича ишламаганлар. Партия группалари, коммунистлар, бошланғич партия ташкилотлари қаерда эдилар?

Ҳозирги давримиз, интенсивлаштириш йўли коммунистларнинг, бошланғич партия ташкилотларининг ҳар бир ходимда ишлаб чиқариш хўжайини ҳиссини тарбиялаш учун масъулият оширилишини қатъий талаб этади.

## Фабрикамиз эҳтиёжлари

**С. Б. ХОЛОПОВА,**
**Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг цех бошлиғи**

—БИЗДА содир бўлган бир лоқайдликнинг охири аянчли бўлди. 1984 йил бошига келиб фабрика омборида ҳеч кимга керак бўлмаган деярли 2 миллион сўмлик қимматли ўйинчоқлар йиғилиб қолди.

Бундан ташкилий хулосалар чиқариб олинди. Уларнинг асосий мағзи менимча шунда бўлдики, кишилар бундан буён шу ҳолда ишлаш мумкин эмаслигини тушунишди ва энг муҳими хизматда бундан буён иккиюзламачилик қилмаслик зарур бўлиб қолди.

Менга фабриканинг йирик цехларидан бирига бошчилик қилишни таклиф этишди. Дастлабки кундан аниқ ишлаш, мавжуд резервлардан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни ҳал қилишга тўғри келди. Ҳамма ишга қизғин киришиб кетди. Бу вақтга келиб корхонанинг мавжуд хизматлари ва бўғинларини қайта қуришга, ишлаб чиқариш цехларини ихтисослаштириш, уларни хом ашё билан қатъий ва аниқ таъминлаш, меҳнатни бир маромда ташкил этишга эътибор кучайди.

Коллектив ўз кучларига ишонди. Мен цех бошлиғи бўлиб ишлар эканман, хоҳиш бўлса, коллективда ҳамкорликда меҳнат қилиш ва шахсий қизиқиш муҳити яратилган бўлса, жуда кўп иш қилиш мумкин эканлигини ҳис этдим.

Бошланғич партия ташкилотларининг кадрларни, айниқса, ўрта звено кадрларини тайёрлаш, тарбиялаш ва танлашдаги роли сусайиб кетганлигини очиқ айтиш керак. Ваҳоланки, ўрта звено кадрлари бевосита меҳнат коллективлари билан боғлангандирлар.

Узоқ вақт давомида истиқболни ҳисобга олмасдан ишладик. Сурункасига уч йил корхонамиз реконструкцияси пайсалга солинмоқда. Бу ишни ўн иккинчи беш йиллик бошида бошлаш назарда тутилган эди. Лекин уни йил охирига суриш ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай қилиб, эски тарих яна такрорланаётганга ўхшайди. Бизнинг илтимосларимизга республика Енгил саноат министрлигида «бундан ҳам муҳимроқ ишларимиз бор» деб жавоб беришади.

Кишилар ўзлари шуғулланишлари лозим бўлган масала билан қизиқишни истамасалар (балки улар бунга лаёқатли эмасдирлар) ҳар доим баҳона топилади. Масалан, 7 ва 10-троллейбуслар маршрутларини Қорасарой кўчаси бўйлаб давом эттириш ҳақидаги масала кўп йиллардан бери ҳал қилинмаяпти. 15 дан ортиқ саноат корхоналари ва ташкилотлари жойлашган районда китоб ва газета савдоси киоскалари тармоқларини кенгайтириш ҳақидаги гап-сўзлар ўн йилдан ошиқроқ вақтдан бери давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «кўриб чиқилсин», «планлаштирилсин», «ижобий ҳал қилинсин» қабилидаги жавоблари ваъда бўлиб қолмоқда, бу масалалар илгаригидек қоғозда қолиб кетмоқда.

## Эксперимент нимани кўрсатди

**Р. САРИМСОҚОВ,**
**Чирчиқ трансформатор заводининг директори**

— КОНФЕРЕНЦИЯДА,— деди Рэннад Қодирович, — корхоналарнинг иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаш тажрибасини планлаштиришни яхшилаш масалаларини муҳокама қилиш лозим деб ҳисоблайман.

Заводимиз коллективи икки йил эксперимент шароитларида ишлади. Биринчи йили — 1984 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда юксак кўрсаткичларга эришдик.

1985 йил — янги шароитларда ишлашнинг иккинчи йили якунлари сустроқ бўлди. Планнинг номувофиқлиги, металл прокати, ўраладиган симларнинг етказиб берилишининг барбод этилиши бунинг сабабларидир.

Биринчи ярим йилликда асосий материал — ўраладиган симлар учун фондлар план талабига нисбатан 80 процент даражада ажратилди. Ўтган йилдан қолган симлар ва бу йил етказиб берилгани 1985 йилнинг фақат биринчи квартали маҳсулот етказиб бериш планининг бажарилишига ёрдам берди. Завод иккинчи кварталдан бошлаб трансформаторлар етказиб бериш планини бажармади.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг қатъий ўсиши ва корхоналарнинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун СССР Госплани, СССР Госснаби ва Главснабнинг тармоқлар планларининг мувофиқлиги ва моддий ресурслар билан таъминланишига нисбатан масъулиятини ошириш керак.

Шартномалар тузиш практикаси ҳам яхшиланишга муҳтождир. Завод маҳсулот етказиб бериш учун шартномаларнинг 70 процентини воситачи — «Союзглавкомплектлар» билан бирга тузади, юборилган маҳсулот учун ҳақни истеъмолчилар тўлайди. Бизнингча шартнома бевосита маҳсулот учун ҳақ тўловчилар билан тузилиши керак. «Союзглавкомплектлар»нинг воситачилиги ортиқча босқичдир. Ваҳоланки, ана шу сабаб билан бизда дебитор қарзлар миллион сўмдан 1,5 миллион сўмгача етмоқда.

Корхоналар ишини баҳолашда министрликлар ва маҳаллий планлаштириш ҳамда статистика органлари ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд. Завод министрлик олдида норматив соф маҳсулот бўйича ҳисоб беради, территориал планлаштириш ва партия органлари олдида эса жами маҳсулот реализацияси кўрсаткичи бўйича ҳисоб беради.

Шунингдек, министрлик ташаббуси билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш вақтида план кўрсаткичларини ойдинлаштириш қоидаларини белгилаш лозим. Ҳозирги вақтда фақат бир кўрсаткич — реализация плани ўзгартирилади, қолган кўрсаткичлар — харажатларнинг энг кўп даражаси, фойда олиш, меҳнат унумдорлиги ўзгармасдан қолади. Бу планни номувофиқлаштиришга олиб келади.

Умуман, эксперимент шароитлари заводнинг хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Шартнома мажбуриятларини бажариш яхшиланди, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда техник даражасининг юксалишида юқори суръатларга эришилди. Юқорида қайд қилинган муаммоларни ҳал қилиш иқтисодий тараққиёт суръатларини анча тезлаштиришга олиб келади.

## Тарбиявий иш — жиддий иш

**Т. ШОМИРЗАЕВ,**
**«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмаси токари**

— ОБЛАСТЬ партия ташкилоти,— деди Турсунбой Шомирзаев,— мураббийчиликни янада ривожлантириш масалаларига, бу хайрли ишда коммунистлар ролини оширишга, партия группалари ва бошланғич партия ташкилотларининг тежамкорликни тарбиялаш-

## Бинокорлар панд беришмаса бас

**М. САФУ,**
**Янгийўл қишлоқ хўжалик деталлари тажриба-экспериментал заводи директори**

—Заводимиз меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, 1985 йил учун белгиланган халқ хўжалик плани топшириқларини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарди, беш йиллик планни ҳам адо этди. Беш йиллик давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми 37 процент, меҳнат унумдорлиги 1,4 баравар ошди.

Биз ўз имкониятларимиз даражасида ишламаяпмиз, мавжуд резервлардан тўла фойдаланаётганимизча йўқ.

Бизнинг шундай муаммоларимиз ҳам борки, уларни ҳал қилишда область органларининг ёрдамига муҳтожмиз. Завод иш бошлаган 1957 йилдан бери ўтган вақт давомида ўзининг уй-жойига эга эмас эди. Бу кадрлар қўнимсизлигининг юксак даражада бўлишига, асбоб-ускуналарнинг сменалиги камайишига олиб келди.

Ҳозирги вақтда завод томонидан планлаштирилган иккита 48 квартирали уй-жойнинг биттасини, 140 ўринли болалар боғчаси ва қозонхонани қуриш бошлаб юборилди. Лекин пудратчимиз — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 6-трестининг 163-механизациялашган кўчма колоннаси ўтган йилнинг тўртинчи кварталида 150 минг сўмлик ўрнига 57 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Бинокорлар бугун ҳам кўнгилдагидек ишламаяпти.

Бошланган беш йилликда завод коллективи олдида катта вазифалар турипти. Ишлаб чиқариш ҳажми 147 процент ошади. Барча технологияни янада юксак сифатли мустаҳкамлагичлар ишлаб чиқаришга ўтказиш лозим. Бунинг учун янги цех корпусини ишга тушириш зарур. Тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Унумли гальваник қопламалар линиясига, мустаҳкамлаш деталларини совуқ тайёрлаш бўйича автоматларга буюртма берилди. Ана шу реконструкцияда бинокорлар бизга панд беришмаса бўлгани.



◆ СУРАТДА: давра суҳбати қатнашчилари.

А. Мальцев фотоси.

## Хизмат соҳалари оқсамасин

**А. И. ЗАХАРОВА,**
**халқ депутатлари Ангрен шаҳар Советининг депутати**

— МЕН Светлана Борисовна Холопованинг бизнинг вақтимизда кишилар учун қулай иш шароитлари яратиб беришгина эмас, айни вақтда қулай турмуш шароитлари яратиб бериш, уларнинг дам олиши ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳақидаги гапини давом эттиришни истардим. Бу ҳақда жуда кўп гапириляпти. Анчагина ишлар ҳам қилинмоқда. Лекин муаммо областимизда энг ўткирлигича қолмоқда.

Мисол учун бизнинг Ангренни олиб кўрайлик. Ҳисобот маълумотларига кўра фақатгина 1985 йилда 5 та магазин, 3 та ошхона ва 6 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари очилган. Буларнинг ҳаммаси маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини 1,3 баравар ошириш имконини берди.

Янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари очилгани яхши. Уларнинг кўпчилигида эса хизмат кўрсатиш жуда ёмон йўлга қўйилган. Маиший хизматни яхшилаш билан боғлиқ бўлган муҳим муаммолар суст, етарли қатъийлик билан ҳал қилинмаяпти. Юк ортиш транспорт бошқармаси, ГРЭС, 7-автобаза, ва бошқа қатор йирик корхоналарда маиший хизмат кўрсатиш деярли йўлга қўйилмаган. Айни вақтда бундай корхоналар итоат этадиган министрликлар бу масалада ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатмаяптилар.

Маиший хизмат сифатининг пастлиги, буюртмаларнинг ўз вақтида расмийлаштирилмаслиги, хизмат кўрсатиш маданиятининг даражаси ташвиш туғдирмоқда. Ҳамма маиший хизмат корхоналари ҳам планлар ва социалистик мажбуриятларни уддаламаяптилар. Масалан, тикувчилик буюмларини якка тикиш ва ремонт қилиш фабрикаси, «Химчистка» фабрикаси, «Фотопрокатразнобит» участкаси, транспорт агентлиги қатор маиший хизмат планларини бажарилишини барбод этмоқда. Бунга ким айбдор?

Бир томондан шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети ҳам айбдор. Чунки улар бундай корхоналарга нисбатан етарлича талабчанлик қилмаяптилар.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг структураси, уларнинг майда участкаларга бўлиниб кетганлиги катта ноқулайликларга сабаб бўлмоқда. Шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмасига бирлашган бу корхоналар айни вақтда ўзларининг область ташкилотларига бўйсунадилар ва шаҳар миқёсида улар фаолиятини тартибга солиш жуда мушкул бўлмоқда.

Кўриниб турибдики, ишнинг бу муҳим участкасида ҳали кўпгина муаммолар ва қийинчиликлар бор. Уларни ҳал қилиш фақатгина бизга боғлиқ бўлиб қолмай, область маиший хизмат ташкилотларига ҳам боғлиқдир. Шунга қарамай қўлни қовуштириб ўтирадиган вақт эмас. Агар ишчанлик билан киришилса кўпгина масалаларни шу ернинг ўзида ҳал қилиш мумкин. «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, керамика комбинати, Ангрен кўмир разрези, 9-шахта, «Ўзбекшахтострой» тресги партия ташкилотлари ва маъмуриятлари бу йўналишда самарали ишламоқдалар.

Менимча, область партия конференцияси қарорида маъмуриятлар ва партия ташкилотлари раҳбарларининг ҳаётимиз бу муҳим соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш учун шахсан масъул эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Албатта, шаҳар ва район Советлари депутатлари ҳам бу иш билан анча қатъийлик билан шуғулланишлари керак.

## Ҳамма нарса кадрларга боғлиқ

**В. КРАЙНОВ,**
**Янгиобод шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари**

—СОВЕТ халқининг яратувчилик меҳнати натижалари партиянинг сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий иши савиясига бевосита боғлиқдир. Бу савия эса партияга хос бўлган ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг кўп қиррали формалари, методлари ва воситаларидан қандай даражада фойдаланилаётганлиги билан белгиланади.

Бундай воситалар қаторида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида ҳисобот даврида бу йўналишда анча ишлар қилинди. Ҳозирги вақтда кадрларни танлашда уларнинг ғоявий-сиёсий тайёргарлиги, ишчанлиги ва ахлоқий фазилатлари, ташкилотчилик қобилиятлари, кишилар билан ишлаш тажрибаси чуқур ўрганиладиган бўлиб қолди.

Область партия комитетида шаҳарлар ва районлар партия комитетларининг секретарлари билан бўлиб ўтган суҳбатлар шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари ва аппаратларининг иш услуб ва усулларини янада такомиллаштириш ишида ижобий роль ўйнади.

Шаҳар ва район партия комитетларининг номенклатурасини тартибга келтириш бўйича анчагина ишлар қилинди. Кадрлар ўрнини босадиган резерв танланди. Лекин олдинда бизни катта ишлар кутмоқда. Область партия комитетининг тармоқ бўлимлари хўжалик кадрлари билан чуқурроқ шуғулланишларини, уларнинг ишчанлик ва сиёсий сифатларини жойларда партия ташкилотлари орқали ўрганишларини истар эдим. Ҳозирча бўлимлар ходимлари асосан раҳбарларни билишади, партия ташкилотлари секретарларини эса танишмайди. Бизнинг шаҳримизга деярли йигирма йил давомида енгил саноат ва халқ истеъмол товарлари бўлимининг бирор ходими ҳам келмаганлигини нормал ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди.

Кадрларни тарбиялашга жуда синчковлик билан эътибор бериш керак. Бу иш лозим даражада самара бериши учун табақалаштирилган ҳолда сифатли олиб борилиши зарур. Характеристика кадрларни танлашда таъсирчан ва аниқ восита бўлиб қолмоқда, уларнинг обрўси ошаяпти.

Афсуски, характеристикалар ҳозирги талабларга жавоб бермайдиган ҳоллар ҳам бўлмоқда. Айрим жойларда таржимаи ҳол маълумотлари билан чекланилади ва иши ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотлар берилади.

Яна бир масала устида тўхталиб ўтмоқчиман. Кадрлар резервини олдиндан тайёрлаш, зарур базани вужудга келтириш керак. Узоқ ва яқин резервларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Зероки, қатор лавозимлар учун резервни айрим шаҳарлар ва районлар миқёсида эмас, балки область миқёсида тайёрлаш лозим.

## Заводимиз янада қадрдон бўлиб қолди

**У. М. ИСАХЎЖАЕВА,**
**«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси пармаловчиси**

— БИЗНИНГ бирлашмамиз мамлакатимизнинг ғўзани парвариш қилиш ва уни йиғиб-териб олиш бўйича қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ва машиналари ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Бирлашмамиз иш натижалари бўйича тармоқнинг энг яхши корхоналаридан биригина эмас. Уни кўпчилик бошқа кўрсаткичлар бўйича намуна қилиб кўрсатмоқда. Сўнгги икки йилда заводда катта ўзгаришлар юз берди. Бирлашмада коллективни социал ривожлантириш плани ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Цехлар, маиший хизмат хоналарини ремонт қилиш, заводни ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар қилинди. Корхонанинг қиёфаси сезиларли даражада яхшиланди. Цехлар корпуслари ёнида қулай, гўзал қилиб безатилган дам олиш учун сўрилар пайдо бўлди, марказий майдонни фаввора безади, марказий йўлакни безаш тугалланди.

21-цехда составида гардеробхона, душхона, сауна, дам олиш хоналари бўлган янги маиший комплекс қурилди. Хоналарни реконструкция қилиш ва эстетик қайта жиҳозлаш қатори бирлашманинг 300 ўринли марказий ошхонасини, парҳез таомлар ошхонасини ремонт қилиш тўла тугалланди, қуюв цехи ишчилари учун ошхона қурилиши ниҳоясига етказилди. 60 ўринли чойхонани қуриш ва эстетик безаш тугалланди. Бу ерда доим миллий таомлар, шўрва, кабоб, палов тайёрланмоқда, қора ва кўк чой бор.

Тўрт ой давомида икки қаватли маиший хизмат комбинати қурилди. Бу ерда омонат кассаси, сартарошхона, кийимларни химиявий тозалашга қабул қиладиган пункт, рўзғор техникаси ремонт қилинадиган устахона жойлашди.

Завод территориясида савдо маркази ташкил этилди. Бу марказда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазинлар бор. Шу ернинг ўзида сабзавот билан ҳам савдо қилишади. Қисқаси заводда ишлаётган аёлларнинг ташвишлари анча камайди. Кишиларга нисбатан бундай муносабат ҳаммани хурсанд қилмоқда, руҳлантирмоқда.

Лекин бизни ранжитаётган нарсалар ҳам йўқ эмас. Завод яқинидаги массивда кинотеатр қурилиши ҳақидаги гап-сўзлар неча йилдан бери давом этмоқда. Ишчиларни уй-жой билан таъминлаш муаммоси суст ҳал қилинмоқда. Ваҳоланки, ҳар йили завод томонидан пай қурилиши учун анчагина маблағ ажратилмоқда. Тошкент шаҳар ижроия комитети янги уй-жой фондини тақсимлашда тартиб ўрнатиши керак.

Саҳифа материалларини **П. Борщчов, В. Гасанов, В. Ломовцев, М. Мирҳамидов** ва **А. Тепляков**лар тайёрлашди.

• Реклама • Реклама • Реклама • Реклама • Реклама • Реклама •

# ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

## Никоҳ страхованиеси



Қайси ота-она, буви ўз ўғил-қизи, невара-чевараларининг келажаги тўғрисида ўйламайди, дейсиз. Болалар камолга етиб, ҳадемай ўзлари ҳам мустақил ҳаётга қадам қўя бошлайдиган пайт ҳам етиб келади.

15 ёшдан катта бўлмаган болалар фойдасига никоҳ куни учун страхование тўғрисида шартнома тузиб, ёш оиланинг турмушини бут қилиш учун жиддий моддий ёрдам кўрсатишни олдиндан режалаштириб қўйиш мумкин.

**Бу хилдаги страхование шартномалари 18 ёшдан бошлаб, лекин шартнома муддати тугагунга қадар ёши 75 дан ошиб кетмайдиган кишилар билан тузилади.**

Страхование суммаси страхование муддати тугагач, йигит ёки қиз никоҳдан ўтганда, шунингдек 25 ёшга етган тақдирда тўланади.

Агар ўз фойдасига страхование шартномаси тузилган шахс 18 билан 20 ёш оралиғида никоҳдан ўтадиган бўлса, у ҳолда страхование суммаси процент билан (страхование муддати тугаганидан кейин ўтган ҳар бир тўлиқ йил учун 3 процент ҳисобида) тўланади.

Страхование муддати фарзанднинг ёшига, ойлик взнос миқдори эса страхование қилувчининг ёшига, страхование суммаси ва муддатига боғлиқ бўлади.

Взнос иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ёки страхование агентига нақд пул тўлаш йўли билан ўтказилади.

Страхование қилиш шартлари билан давлат страхованиеси инспекциясида страхование агенти орқали батафсил танишиш ҳамда шартнома тузиш мумкин.

## Болалар страхованиеси болалар ҳақида ғамхўрликдир



Ҳаммамиз ҳам бир вақтлар болаликни бошдан кечирганмиз. Оилада янги инсоннинг дунёга келиши қанчалик қувонч бахш этиши ўз-ўзидан тушунарли. Бизнинг болаларимиз йўқчилик нималигини билишмайди.

Совет давлати улар тўғрисида, уларнинг сиҳат-саломатлиги, овқатланиши, дам олиши, таълим олиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Вақт кўз очиб юмгунча ўтиб кетяпти: ҳали яқингинада кичкинтой атак-чечак қилиб юришни ўрганарди, бир қарабсизки, у мактабни ҳам ортда қолдириб кетибди. Олдинда мустақил ҳаёт бошланмоқда. Ҳар ким ўз ўғли ёки қизининг балоғатга етган кунига бирон бир эсдалик совғаси қилиш истагида юради. Болаларнинг ҳаётини страхование қилиш ҳақида шартнома ана шунда қўл келади.

**Болаларни страхование қилиш шартномасини шартнома тузилиши пайтига қадар 15 ёшу 6 ойликдан ошмаган болаларнинг ота-оналари** (боқишга олганлари) **ва бошқа қариндошлари тузишлари мумкин.**

Ана шундай шартномага мувофиқ страхование қилинган йигит ёки қизга страхование муддати тугаши билан келишилган страхование суммаси тўланади.

Бу ҳақда оилавий йиғинда маслаҳатлашиб олинг ва давлат страхование инспекциясига мурожаат қилинг. Страхование агенти болаларни страхование қилиш шартларини сизга батафсил тушунтириб беради ва страхование қилиш учун тез ва беташвиш шартнома тузишингизга ёрдам беради.

## УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ҲАР БИР ОИЛА УЧУН ФОЙДАЛИДИР

Ҳурматли ўртоқ, Сиз квартирада саранжом-саришталик яратиш, ўзингиз ёқтирган ва севган китоблар, картиналар, нафис ва фойдали буюмлар тўплаш осон эмаслигини яхши биласиз.

Лекин, ҳали ҳам шундай ҳодисалар рўй бериб турадики, уларнинг оқибатида шу қадар дид-фаросат билан, интилиш ва истак билан қўлга киритилган ҳамда яратилган барча буюмлар ёнғин, портлаш, сув тошқини ёки бошқа табиий офатлар, иситиш системасининг аварияга учраши, қўшни хоналардан сув кириб келиши натижасида вайрон бўлиши ва шикастланиши, шунингдек ўғирлаб кетилиши мумкин.

Агар сиз уй-рўзғор буюмларини ихтиёрий равишда страхование қилиш тўғрисида шартнома тузган бўлсангиз нобуд бўлган ёки йўқолган буюмлар ўрнига янгиларини сотиб олишингиз ёки шикастланган нарсаларни ремонт қилиб олишингиз қийин бўлмайди.

**Бундай шартнома жорий чакана давлат нархларидан келиб чиқиб буюмнинг қиймати** (тутилганлигини ҳисобга олган ҳолда) **доирасида исталган миқдордаги страхование суммасига икки ойдан 11 ойгача ва 1 йилдан 5 йилгача муддатга тузилиши мумкин.**

Шартнома бўйича тўловлар турар жой биносининг ўрни ва ўтга чидамлилигига боғлиқ ҳолда страхование суммасининг ҳар 100 сўмидан йилига 15 тийиндан 40 тийингача бўлиши мумкин.

Тўловлар иш жойидан бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ёки страхование агенти ёки участка инспекторига нақд пул тўлаш йўли билан ўтказилиши мумкин.



Страхование шартлари билан давлат страхованиеси инспекциясида ёки страхование агенти орқали батафсил танишиш мумкин.

## ИНСОН ҲАЁТИНИ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда ихтиёрий равишда шахсий страхованиенинг бир неча хил турлари мавжуд. Шулардан оммавий тус олганларидан бири инсон ҳаётини аралаш страхование қилишдан иборатдир.

Инсон ҳаётини аралаш страхование қилиш тўғрисидаги шартномалар «А» ёки «Б» тарифлари бўйича 16 ёшдан 17 ёшгача бўлган кишилар билан (шартнома муддати тугагунга қадар 75 ёшдан ошиб кетадиган кишилар бундан мустасно) 5, 10, 15 ёки 20 йил муддатга турлича страхование суммаси тузилади.

**Страхование взнослари страхование қилинганumманинг миқдори, муддати ва страхование қилувчининг ёшига боғлиқ бўлиб страхование бутун муддати давомида ҳар ой учун олдиндан тўлаб борилади.**

Страхование муддати тугагач, страхование шартномасини тузган кишига шартномада белгиланган страхование суммаси тўланади.

Страхованиенинг бу тури шартларига биноан шунингдек, страхование қилувчи киши жароҳат, тасодифий равишда жиддий заҳарланиш, энцефалит ёки полиомиелит билан оғриш оқибатида умумий меҳнат қобилиятини доимий равишда (тўла ёки қисман) йўқотган тақдирда страхование суммасининг ҳаммаси ёки унинг тегишли қисми тўланиши ҳам мўлжалланган бўлади. Айни пайтда страхование шартномаси «Б» тарифи бўйича тузилган бўлса, бу ҳолда тўланиши лозим бўлган сумма икки баравар ортиқ бўлади.



Страхование взносларини иш жойида бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ёки страхование агентига нақд пул тўлаш йўли билан ҳам амалга оширилади.

## ЧОРВА МОЛЛАРИНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ



Гражданлар ихтиёридаги қорамоллар, йилқилар ва туялар икки хил турда — мажбурий ва ихтиёрий равишда страхование қилинади.

Қорамоллар, йилқилар ва туялар давлат харид нархлари бўйича ўртача қийматининг 40 проценти миқдорида мажбурий тарзда страхование қилинади. Юқорида айтилган ҳайвонларни ихтиёрий равишда страхование қилиш тўғрисида шартнома тузилса страхование суммаси икки баравар кўпайиши мумкин.

**1983 йил 1 январдан бошлаб қўйлар, эчкилар, чўчқалар, эшаклар, хачирлар фақат ихтиёрий равишда харид нархлари бўйича ўртача қийматининг 80 проценти миқдорида страхование қилинмоқда.**

Касаллик оқибатида нобуд бўлиш ва ёнғин, портлаш, яшин уриши, электр токи таъсири, қуёш ёки иссиқ уриши, зилзила, сув тошқини, ўпирилиш, бўрон, довул, қаттиқ шамол, дўл, музлаб қолиш, бўғилиб қолиш, йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, тўсатдан заҳарли ўтлар ёки моддалардан заҳарланиш, илон ёки заҳарли ҳашаротлар чақиши, шунингдек ҳайвонлар чўкиб кетиши, транспорт воситалари тагида қолиши, жарликка қулаб тушиши ёки жароҳатлар натижасида ҳалок бўлган тақдирда страхование суммаси тўланади.

Шунингдек, страхование суммаси ҳайвонларни бахтсиз ҳодисалар ёки бошқа ҳодисалар оқибатида мажбуран сўйиб юборилган (нобуд қилинган) тақдирда ҳам тўланади.

Страхование тўловларини иш жойида бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ёки страхование агенти, шунингдек участка инспектори орқали нақд пул билан тўлаш анча қулай.

Страхование шартлари билан давлат страхованиеси инспекциясида ёки сиз ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилотга хизмат қиладиган страхование агенти орқали батафсил танишишингиз ва шартнома тузишингиз мумкин. Бундан ташқари агентни уйга таклиф қилиш ҳам мумкин.

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!



Рўйхатга олиниши лозим бўлган автомобиллар (шу жумладан, саноат йўли билан тайёрланган прицеплари бўлган автомобиллар), мотоциклар, мотороллерлар, мотоколяскалар, мопедлар, кичик габаритли тракторлар, моторли, елканли ва эшкакли қайиқлар (дам бериладиганларидан ташқари), катерлар ва яхталар страхование қилиниши мумкин.

Транспорт воситаларини страхование қилиш ҳақидаги шартнома авариялар (йўл-транспорт ҳодисалари), ёнғин, портлаш, яшин уриши, тўфон, бўрон, сел ва бошқа табиий офатлар натижасида, шунингдек транспорт воситаларининг ўғирланиши ёки уларни ўғирлаш ва олиб қочиш билан боғлиқ ҳолда шикастлаш оқибатида келтирилган моддий зарарнинг қопланишига гаров бўлади.

**ШАРТНОМА БИР ЙИЛ МУДДАТГА ТУЗИЛАДИ. СТРАХОВАНИЕ СУММАСИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛУВЧИНИНГ ХОҲИШИГА БИНОАН БЕЛГИЛАНАДИ.** Лекин унинг миқдори транспорт воситасининг жорий чакана давлат нархларидан (эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда) ошмаслиги керак.

Страхование тўловининг миқдори транспорт воситасининг турига, страхование муддати ва страхование суммасининг миқдорига боғлиқ. Шуни ҳам айтиш керакки, страхование суммаси қанчалик кўп бўлса, страхование тўлови проценти шунчалик кам бўлади.

Страхование шартномаси бўйича страхование тўловларини страхование қилувчининг иш жойида бухгалтерия орқали пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ёки шартномани расмийлаштириш чоғида страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.

## БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

Ҳурматли ўртоқ!

Салгина бўлса-да эҳтиётсизлик ва эътиборсизлик натижасида ишлаб чиқаришда, кўча-кўйда, уйда ҳар хил жароҳатлар юз берган пайтлар ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам давлат страхованиеси органлари ҳаётингизни бахтсиз ҳодисалардан страхование қилиш тўғрисида шартнома тузишни тавсия қилади. Бундай шартномалар страхование қилинган киши жароҳат натижасида, тасодифан заҳарланиб қолганда, баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриб қолганда, шунингдек, страхование шартномасида назарда тутилган бошқа кўнгилсиз ҳодисалар рўй берганда умумий меҳнат қобилиятини доимий равишда (тўла ёки қисман) йўқотган тақдирда страхование суммасини ёки унинг тегишли қисмини олишига гаров бўлади.

**Бундай шартномалар 16 ёшдан 74 ёшгача бўлган кишилар билан** (шартнома муддати тугагунга қадар ёши 75 дан ошмайдиган кишилар билан) **бир йилдан беш йилгача муддатга тузилади.**

Страхование взнослари страхование қилувчининг касбига боғлиқ бўлиб страхование қилинган сумманинг ҳар юз сўми ҳисобига йилига 25 тийиндан 1 сўм 20 тийингача бўлади.

Страхование шартномаси взносни тўлаш шаклига боғлиқ ҳолда, яъни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан взнос тўланган тақдирда страхование қилувчи шахс ишлайдиган корхона, муассаса ёки ташкилотда ушбу взнос ўтказилган иш ҳақи берилиши белгиланган кундан бошлаб, страхование агентига нақд пул билан взнос тўланган тақдирда эса взнос тўланган кундан 10 кун ўтгач, кучга киради.

Борди-ю, сиз страхованиенинг бу тури билан қизиқиб қолгудек бўлсангиз, у ҳолда бу ҳақда давлат страхованиеси инспекциясида ва сиз ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилотга хизмат қиладиган страхование агенти орқали батафсил ахборот олишингиз ҳамда шартнома тузишингиз мумкин.

Бундан ташқари агентни уйга таклиф қилиш ҳам мумкин.

## ИМОРАТЛАРНИ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

Ҳурматли ўртоқ! Гражданларнинг шахсий мулки сифатидаги иморатлари мажбурий страхованиеда кўрсатилганидек суммада, яъни жорий чакана давлат нархлари бўйича улар қиймати (эскирганлигини ҳисобга олиб)нинг 40 проценти миқдорида ихтиёрий равишда страхование қилиниши мумкин.

Ихтиёрий равишда страхование қилинганлиги ҳақидаги шартнома бўлган тақдирда давлат страхованиеси гражданларга уларнинг бинолари ёнғин, портлаш, яшин уриши, сув тошқини, зилзила, довул ва бўрон, денгиз тўлқини, жала, дўл, нураш, кўчки, сел босиш, ер ости сувларининг юзага чиқиши, мазкур жой учун одатдан ташқари узоқ муддат ёмғир ёки кучли қор ёғиши, иситиш системаларининг, водопровод ва канализация шохобчаларининг аварияга учраши, шунингдек ёнғиннинг тарқалиб кетишини тўхтатиш учун ёки юқорида кўрсатилган бирон-бир табиий офат кутилмаганда хавф туғдираётганлиги муносабати билан бинони бузиб ташлаш ёки уни бошқа жойга кўчириш зарурати туғилган тақдирда биноларнинг вайрон бўлганлиги ёки шикастланганлиги натижасида етган зарарни тўлароқ қоплашни таъминлайди.

**Шартнома бир йил муддатга тузилади. Страхование тўловлари миқдори унча катта эмас ва биноларнинг қаерда жойлашганлигига боғлиқ бўлиб, страхование суммасининг ҳар юз сўми ҳисобига йилига 30 ва 35 тийинни ташкил этади.**



Страхование тўловлари иш жойида бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ёки страхование агентига, шунингдек участка инспекторига нақд пул тўлаш йўли билан ҳам амалга оширилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШҚАРМАСИ.

Р. 08516. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. Б. 1518. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12